

11-4-2019

On studying the history of linguoculturology

X. Ubaydullayev teacher

Ferghana State University, fdujournal@fdu.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Ubaydullayev, X. teacher (2019) "On studying the history of linguoculturology," *Scientific journal of the Fergana State University*. Vol. 2 , Article 26.

DOI: 41+001.1+347.2/.3

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol2/iss4/26>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific journal of the Fergana State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ ХУСУСИДА
ОБ ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИИ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ
STUDYING HISTORY OF LINGUOCULTUROLOGY

Х.Убайдуллаев

Аннотация

Мақолада тилшуносликнинг янги йўналишларидан бири ҳисобланган лингвокультурологиянинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи хусусида фикр юритилган.

Аннотация

В статье рассматривается история возникновения и развития лингвокультурологии – одного из новых направлений в лингвистике.

Annotation

This article deals with the history of the occurrence and development of linguoculturology, one of the new trends in linguistics.

Таянч сўз ва иборалар: лингвокультурология, хусусият, тил ва маданият, система, коннотация, назария, характер, тафаккур, фундаментал функция.

Ключевые слова и выражения: лингвокультурология, особенность, язык и культура, система, коннотация, теория, характер, мышление, фундаментальная функция.

Keywords and expressions: linguo-culturology, characteristics, language and culture, system, connotation, theory, feature/character, cognition, fundamental function.

Замонавий тилшунослик илмида когнитив тилшунослик, лингвистик фалсафа, прагмалингвистика, типологик лингвистика, нейролингвистика, лингвопоэтика, коммуникатив тилшунослик, паралингвистика сингари янги соҳаларнинг юзага келиши матн муаммосининг ўрганилиши билан боғлиқ бўлган илмий-тадқиқотларни жадал суръатларда ривожлантирмоқда.

Бугунги кунда тадқиқотчилар матн таҳлилида грамматика, семантика, когнитология, психоллингвистика каби қатор йўналишларга таянган ҳолда ўз илмий изланишлари орқали лингвокультурология соҳасини янада чуқурроқ ўрганмоқдалар. Кўпчилик тилшунос олимлар томонидан тадқиқ этилаётган тил ва маданият тушунчаси билан боғлиқ бўлган лингвокультурология масалалари ҳали-ҳануз тўлақонли ўз ечимини топгани йўқ.

Лингвокультурология бугунги кунда инсонлар, халқлар, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, маданий ҳамда илмий алоқалар, халқаро маданий, коммуникатив жараёнлар, тилларнинг ўзаро муносабати, тил маданияти ҳамда тилнинг миллий кўриниши маданиятшуносликда алоҳида ўзига хос йўналишнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Лингвокультурология – халқлар маданияти, тили ва уларнинг

ривожланишдаги ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи соҳа ҳисобланиб, этнолингвистика, социоллингвистика, лингвомамлакатшунослик ва этнопсихоллингвистика каби соҳалар билан чамбарчас боғлиқдир.

В.Н.Телия, В.В.Воробьев, М.А.Маслова ва бошқа бир қатор олимларнинг ишларида лингвокультурология атамасининг дастлабки босқичларини ўрганса-да, лекин лингвокультурологиянинг вужудга келишида В.Ф.Гумбольдтнинг ўрни бекиёслиги бизга маълумдир.

Лингвокультурология тилни маданиятнинг феномени, маданиятнинг ташувчиси сифатида ўрганади. Маданиятни тилдан фойдаланувчи инсон яратади. Лингвокультурологиянинг объекти лингвистика ва культурология, этнография ва психоллингвистика сингари бир қатор фундаментал фанларнинг кесишмасида жойлашади [1, 35-36].

Лингвокультурологиянинг объекти ҳақида баъзи мунозарали фикрлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, В.Н.Телиянинг фикрича, лингвокультурология тил ва маданиятнинг фақат синхрон алоқасини ўрганади. В.А.Масловага кўра, бу соҳа тилни ҳам синхрон, ҳам диахрон жиҳатдан ўрганади.

Бундан ташқари, В.Н.Телия лингвокультурология объекти умуминсоний характерга эга бўлишини таъкидлаган

бўлса, В.А.Маслова муайян халқ ёки қардош халқлар тилининг лингвокультурологик хусусиятлари алоҳида ўрганилиши лозимлигини уқтиради [2].

XX асрнинг охирига келиб Москвада тўртта лингвокультурологик мактаб юзага келди: Ю.С.Степанов, Н.А.Арутюнова, В.Н.Телия ҳамда В.В.Воробевларнинг лингвокультурологик мактаблари.

Шундай қилиб, лингвокультурология – ўз ичига олган жонли миллий тилни ва тилда пайдо бўладиган ўзгаришларни ижтимоий-маданий жараёнда ўрганувчи гуманитар соҳа саналиб, у тилнинг фундаментал функцияларидан бири бўлган тилнинг ривожланиши, сақланиши, маданий трансляциясини ўз ичига олади.

Сўнги ўн йилликларда ўзбек тилшунослигида ҳам лингвокультурологик ёндошувга асосланган тадқиқотлар пайдо бўла бошлади.

Таниқли ўзбек тилшуноси, профессор Н.Маҳмудовнинг “Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб...” номли мақоласидаги фикрига кўра, антропоцентрик парадигманинг моҳияти ва уларнинг муаммолари лингвокультурологияда тадқиқ этилиб, асосли ёритиб берилган. Шу билан бирга мазкур мақола ўзбек тилшунослигида лингвокультурология соҳасини ўрганишда муҳим манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Мақолада лингвокультурологик назариянинг шаклланиши учун хизмат қилган бир қатор мулоҳазалар кўрсатиб ўтилган. Жумладан, Н.Маҳмудов “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида чоп эттирган мақоласида В.Б.Касевичнинг қуйидаги фикрларини кўрсатиб ўтади: “Тил ва маданият деганда, кўпинча, “нутқ маданияти” дейиладиган муаммо ассоциатив ҳолда эсга тушса-да, бу икки

ўриндаги маданиятнинг айнанлигини асло кўрсатмайди” [3, 10].

“Тил ва маданият деганда, одатда, (тўғриси ҳам шу) тил орқали у ёки бу маданиятни ёки аксинча, маданиятни ўрганиш орқали у ёки бу тилни тушунтириш назарда тутилади, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, лингвокультурологиядаги маданиятнинг маъноси “ақлий-маънавий ёки хўжалик фаолиятида эришилган даража, савия (нутқ маданияти)” эмас, балки “кишилик жамиятининг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий-маърифий ҳаётида кўлга киритган ютуқлари мажмуи (маданият тарихи, ўзбек маданияти)” демақдир. Шундай бўлгач, нутқ маданиятининг ўрганиш муаммолари бошқа, лингвокультурологиянинг ўрганиш объекти тамоман бошқадир” [3, 10].

Шунингдек, ўзбек тилшунослигига ўз хиссасини қўшган тилшунос олима Д.Худойберганова ўзининг “Матннинг антропоцентрик тадқиқи” монографиясини яратди [4]. Ушбу монография ўзбек тилидаги матнларнинг когнитив-семантик, психолингвистик ҳамда лингвокультурологик хусусиятларини ўрганишда катта илмий аҳамиятга эга. Унда прецедент бирликлар ва лингвомаданий бирликларнинг матн яратилишидаги ўрни, метафораларнинг матн яратилишидаги ўрни, жонлантириш асосида матнларнинг лингвокультурологик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган.

Демак, лингвокультурологиянинг тарихи илмий фан сифатида жамиятнинг янгича турмуш тарзи, янгича тафаккури ва мамлакат маданиятининг турли соҳаларидаги маданий ҳаёти ҳақида ахборотлар ва маданий қадриятларнинг янги тизимини ўзида акс эттиради. Бу эса янгича, замонавий маданият тафаккурининг шаклланишига асос бўлади.

References:

1. Maslova V. A. Lingvokulturologiya: Ucheb. posobiye dlya stud. vissh. ucheb, zavedeniy. – M.: Izdatelskiy sentr «Akademiya», 2001.
2. Pimenova M.V., Kondratyeva O.N. Konseptualniye issledovaniya. Vvedeniye: uchebnoye posobiye. – M.: Flinta, 2011.
3. Mahmudov N. “Tilning mukammal tadqiqi yo'llarini izlab...” // O'zbek tili va adabiyoti. – T., 2012. – № 5.
4. Xudoyberganova D. Matnning antropotsentrik tadqiqi. Monografiya. – T.: Fan, 2013.

(Taqrizchi: S.Mo'minov – filologiya fanlari doktori, professor).